



## THE PROBLEM OF THE SOGDIAN LANGUAGE IN THE HISTORY OF TURKESTAN

**A.V. Narbekov**

*PhD, Associate Professor*

*National University of Uzbekistan*

[narbekovabdikamil@gmail.com](mailto:narbekovabdikamil@gmail.com)

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Sogdiana, Bactria, Khorezm, party affiliation, classes, socialist realism, Turkism, Aryans, Achaemenids, ethnic group, ethnonym, toponym, nomad, Scythians, Sakas.

**Received:** 19.12.25

**Accepted:** 20.12.25

**Published:** 21.12.25

**Abstract:** This article is devoted to the scholarly study of the place and role of the Sogdian language in the history of Turkestan. Using scholarly data, the author examines the origins of the Eran languages in Turkestan, the history of the Iranian and Turkic languages in the region, their mutual influence, and their impact on the culture, traditions, and customs of local peoples. He also outlines his perspective on the origins of the Sogdian language.

## ТУРКИСТОН ТАРИХИДА СЎҒД ТИЛИ МАСАЛАСИ

**A.V. Нарбеков**

*Тарих фанлари номзоди, доцент*

*Ўзбекистон Миллий университети*

[narbekovabdikamil@gmail.com](mailto:narbekovabdikamil@gmail.com)

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Сўғд, Бохтар, Хоразм, партиявийлик, синфийлик, социалистик реализм, туркизм, орийлар, Ахамонийлар, этнос, этноним, топоним, кўчманчи, скифлар, саклар.

**Аннотация:** Мақола Туркистон тарихида Сўғд тилининг тутган ўрнини илмий ўрганишга бағишланган. Муаллиф илмий манбаларга таяниб, Туркистонда эроний тилларнинг вужудга келиши, минтақада туркий ва эроний тилларнинг ривожланиши тарихи, уларнинг ўзаро алоқалари ҳамда маҳаллий халқларнинг маданияти, урф-одати ва анъаналари таъсири каби масалаларини таҳлил қилган.

**ПРОБЛЕМА СОГДИЙСКОГО ЯЗЫКА В ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНА****А. В. Нарбеков***Кандидат исторических наук, доцент**Национальный университет Узбекистана*[narbekovabdikamil@gmail.com](mailto:narbekovabdikamil@gmail.com)*Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** Согд, Бактрия, Хarezм, партийность, классы, социалистический реализм, туркизм, арии, Ахемениды, этнос, этноним, топоним, кочевник, скифы, саки.

**Аннотация:** Статья посвящена научному изучению проблемы места и роли Согдийского языка в истории Туркестана. Автор на основе научных данных изучил вопросы возникновения эранских языков в Туркестане, историю возникновения иранских и тюркских языков в регионе, их взаимовлияние, а также их воздействие на культуру, традиции и обычаи местных народов. Изложил свое видение вопроса о возникновении Согдийского языка.

Туркистоннинг тарихий вилоятларини илмий ўрганиш мамлакатимиз ва хорижий давлатлар тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келаётган долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Унинг долзарблиги минтақамизда истиқомат қилаётган халқлар тарихини ўрганиш, қадимги ва Ўрта асрлар даврига оид мавжуд оқ доғларини ҳал этишга хизмат қилиши билан белгиланади. Шунингдек, Совет давлати парчаланганидан кейин, Туркистонда вужудга келган ёш давлатларнинг тарихига оид масалаларни ҳал этилишига бевосита алоқадор ҳисобланади.

Сўғд тарихий влоятига оид маълумотлар берилган адабиётларни Ўрта Асрлар тарихчиларининг асарлари; Ўзбекистон ва хорижий тарихчи олимларининг асарлари каби қисмларга ажратиб ўрганиш мумкин. Мазкур асарларни ўрганишда уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак бўлади. Масалан, Совет тадқиқотчилари юртимиз тарихини илмий ўрганишга катта ҳисса қўшганлигини қайд этган ҳолда, уларнинг партиявийлик, синфийлик тамойиллари, социалистик релизм, туркизм, ислом ғояларига бегоқатлиги каби хусусиятларини эътиборга олиш керак бўлади.

Илмий адабиётларда Сўғд атамасининг вужудга келиши хронологияси масалаида турли маълумотлар берилади. Ўзбекистонлик тарихчилар Сўғд тарихий-маданий вилоятининг (топоним) вужудга келишини илк темир асрдан (мил.авв.IX-VII-асрлар)

бошланганлиги қабул қилинган . Тарихий вилоят Аҳамонийлар даври билан боғлаган манбалар ҳам мавжуд .

Аҳамонийлар Туронда босиб олинган худудларни сатрапликлар (вилоятлар)га ажратиб, маҳаллий халқлар тилидаги номларга мос равишда ўлкани Хоразм, Бактрия ва Сўғдиёна деб атаган. Бу номлар унда истиқомат қилган халқлар эмас (этноним), балки худуднинг номи билан аталган (топоним).

Ўрта Асрлар тарихида чуқур из қолдирган Сўғд ва сўғдликлар тарихига оид масалаларни ўрганишга бағишланган кўплаб асарлар яратилиши натижасида, тарих фанида Сўғдшунослик йўналиши вужудга келди. Ушбу мавзуга жиддий эътибор берилиб келинганига қарамасдан ҳозирги даврда ҳам кўплаб муаммолар ҳал этилмай қолган.

Тарихий тадқиқотларда жиддий эътибор Сўғдда давлатчиликнинг юзага келиши масаласига қаратилади. Тожикистон тарихчилари Сўғдда давлатчилик мил.авв. III-II-минг йилликларда пайдо бўлганлиги ва унга тожик халқи авлодлари асос солганлиги таъкидланади. Лекин мил. авв. III-II-минг йилликлар чегарасида Сўғдда давлатчиликнинг пайдо бўлганлиги ҳақида ёзма манбалар мавжуд эмас. Мил.авв. IX-VII-асрларда сўғдда давлатчилик вужудга келган. Сўғд атамаси этноним эмас, топоним сифатида қўланган. Аҳамонийлар қўшини Гирканиа ва Парфияни таслим этганидан кейин Бохтар остонасида пайдо бўлганлиги ва шиддатли жанглардан кейин Марғиёна ва Сўғд аҳолиси ҳам таслим бўлган. Сўғд давлатига қарши юриш қайд этилмаган.

Сўғд давлатининг чегаралари тўғрисида ҳам тарихий манбаларда тафаввутлар бор. Юнон манбаларида Сўғд худуди жанубда Амударё қирғоқларидан шимолда Сирдарёнинг юқори оқимигача бўлган худудан иборат эканлини қайд этилган. VII асрга оид Хитой манбаларида Сўғднинг худуди Шарқда Иссиққўлдан ғарбда Шаҳрисабзгача, шимолда Еттисув ва Сирдарёнинг ўрта оқимидан жанубда Чағаниён чегараларигача бўлган худудлардан ташкил топган. Араб ва форс манбаларида Зарафшон дарёси ҳавзаси ёки унинг ўрта оқимига тегишли худудлардан иборат деб тасвирланган. Ушбу манбаларга таяниб, Сўғд худуди чўл, дашт, тоғ ва тоғолди ҳамда воҳалардан иборат бўлган. Географик жойлашуви ва хўжалик юритиш шаклига кўра тарихий вилоятнинг аҳолиси кўчманчи чорвадорлар, ўтроқ зироаткорлар, ҳунарманд ва савдогарлардан иборат бўлган. Худудда фақат ўтроқ аҳоли яшамаган. Демак этник таркиби ҳам бир ҳил эмас. Р.Масовнинг Хитой манбасига таяниб, Каспийорти, Хива, Фарғона, Сўғд аҳолиси тожик тилида гапирганлиги тўғрисидаги маълумоти ҳақиқатга тўғри келмайди. Минтақа аҳолиси бир биридан кескин фарқ қилган. Буни Арминий Вамбери ҳам тасиқлайди. Унинг маълумотларига кўра алоҳида олинган қабиллар ҳам минтақада ёйилиб кетганлиги уни ҳайратлантирган. Хива, Қўқон ва Ёркент ўзбеклари тили, анъаналари ва қиёфалари мутлақо бир бирига ўхшамайди. Шундай

бўлса-да улар ўзларини битта миллат, битта қабила, ва ҳатто битта уруғга мансуб деб биладилар.

Тарихий географик вилоятнинг аҳолиси таркибига кўра фақат шарқий эроний тилларда гаплашувчи халқлардан ташкил топганлиги илмий асосга эга эмас. Вилоят худудида турли қабибалар (халқлар) қадимдан яшаб келган. Шунингдек Р.Масов ва Рахмонов Э., кабиларнинг, тожик тилининг ватани Марказий Осиё ҳамда унинг минтақалари Хуросон, Бактрия ва Сўғд эканлигига даъволари ҳам тўғри эмас. Аслида боқтарлар, хоразмийлар ва сўғдлар шарқий эрон тилига мансуб лаҳжаларда гаплашганлар. Тожик тили ғарбий-эрон тилларига мансуб бўлиб, ҳозирги Эроннинг жанубий-ғарбий қисмида шаклланган форс тили лаҳжаси асосида шаклланган. Унинг Туркистонда ёйилиши асосан минтақага араблар босқини даврига тўғри келган. Шу даврда тожик халқи вужудга келганлиги тахмин қилинади. Тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра этнонимнинг номи ҳам арабларнинг “тай” қабиласидан олинган.

Маълумки халқнинг шаклланиши узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, дастлаб кўшни, худудий жиҳатдан яқин турли тил ва лаҳжаларда сўзлашувчи қабила ва элатарнинг ҳар турли алоқаларидан бошланади. Эроний (Форсий) халқларнинг шаклланиши тарихи бу қонуниятга мос келмайди, яъни манбаларга асосланиб, халқнинг шаклланиши жараёни бири-бири билан деярли алоқадор бўлмаган, алоҳида марказлардан бошланган деган хулосага келишимиз мумкин. Форслар орийлар авлоди деб ҳисоблайдилар. Орийлар Форсга мил. авв. II-минг йилликнинг ўталарида Евроосиё даштларидан (Қора денгиздан Уралгача бўлган худуда яшаган кўчманчи қабилалар) кириб келган кўчманчи орийлар бўлса, у холда Форсда яшаган қадимги халқлар кимлар?

Евроосиё даштларидан келган орий халқлари қайси тилда гаплашганлиги масаласи ҳам мунозаралидир. Манбаларда Евроосиё даштларида шаклланган Андроново маданиятига оид халқлар бўлиб, эроний тилларда гаплашган деб ҳисобланади. Агар улар эроний тилларда гаплашган бўлса, нега бу худуда яшаган халқларни юнонлар эроний (форс)лар эмас, балки скиф (саклар)лар деб атаганлар? Орийлар назариясига биноан бу халқлар Евроосиёнинг жануб ва жануби-ғарб томонига қараб кўчган ёки силжиб борган бўлса, Турондан ўтган. Демак бу минтақада яшаган сўнгги бронза ва илк темир асри қабилалари эроний халқлар бўлиши керак. Лекин юнон манбаларида Каспийорти худудларида яшаган халқларни орийлар ёки эронийлар эмас скифлар деб аталган. Аҳамонийлар ҳам Туроннинг босиб олган қисмида яшаган қабилаларни саклар, массагетлар, Хразмийлар, Боқтарлар ёки Сўғдлар деб атаганлар? Бизнинг фикримизга кўра масаланинг ечими, баҳслашувчи томонларнинг биттасини нуқтаи назарини танлашда эмас, балки унинг ўртасида бўлса керак.

Туркийларнинг Туронга кириб келиши жараёни, агар улар олдин бу ерда яшамаган бўлсалар, милoddан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан бошланган. Турон аҳолиси мил.авв. XVI-XII-асрларда шимол ва шимоли-шарқ томондан туркий халқларнинг (Марказий ва жанубий Қозоқстон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудлари) миграцияси ва жануби-ғарб томондан форсий халқларнинг шимол ва шимоли-шарқ (Хуросон, Афғонистон ва Жанубий Тожикистон) томонга миграцияси жараёнида шаклланган. Атоқли Россия туркшунос олими Е.С. Малов бу масалага тўхталар экан қуйидаги фикрни баён қилган. “Мен, туркилар дастлаб қаерда шаклланган ёки пайдо бўлганлиги тўғрисидаги саволга жавоб бера олмайман. Улар шарқда – Марказий ёки Ўрта Осиёда, Сибирда ёки ғарбда – жанубий рус даштларида ёки Волга-Урал ҳавзасида вужудга келганлиги маълум эмас. Мен ишонч билан айта олмайманки туркийлар мил.авв. V-аср олдин асосан (кичик ҳатоликларни ҳисобга олмасак) ҳозир қайси ҳудудларда истиқомат қилаётган бўлсалар, ўша жойларда яшаганлар.

Туркий халқларнинг келиб чиқишига муносабат масаласида илмий жамоатчиликда муқом шаклланган ва одатга айланган қараш, яъни улар кўчманчи қабилалар бўлганлиги тўғрисидаги қарашлар тарихий ҳақиқатга зид келади. Биз туркий халқларнинг яшаган ҳудудларни ўргансак, улар асосан чўл ва даштларда яшаганликлари маълум бўлади. Академик А.Асқаров бу саволга аниқ жавоб беради. Улар Буюк Турон чўли-Дашти қипчок ҳудудлари, Ўрта Осиёнинг шимолий, шимоли-шарқий ҳудудларини уларнинг азалий ватани деб ҳисоблаган. У ҳолда Хуросоннинг чўл ва даштларида, Қизилкум атрофларида, тоғ ва тоғ олди ҳудудларида кимлар яшаганлиги тўғрисида савол пайдо бўлади. Агар саклар ва массагетлар дашт аҳолиси бўлса у ҳолда нега уларни эроний тилларда сўзлашган халқлар деб аталган? Бизнинг фикримизга кўра эроний халқларнинг Мовароуннаҳрга кириб келиши Аҳамонийлар двридан бошланган. Босиб олган ҳудудларда иш юритиш форсий тилда ташкил этилган. Аҳамонийлар салтанати ағдариб ташланганидан кейин ҳам маҳаллий халқларда форсий тил муомалада сақланиб қолди. Бу тил асрлар ўтиши билан маҳаллий тиллар таъсирида ўзгариб хоразмий, боқтар, сўғдий ва бошқа тиллар кўринишини олган деб тахмин қилиш мумкин. Фикримизнинг исботи сифатида Бухоро хонлиги ва кейинчалик амирлигида ҳужат юритилиши форс тилида олиб борилганлигини мисол келтириш мумкин.

Мазкур масалани илмий ўрганишда минтақа аҳолисига хос хусусиятларини ҳам эътиборга олиш керак бўлади. Туркистон жуғрофий ўрнига кўра чўл, дашт, воҳа, тоғ ва тоғ олди ҳудудларидан иборат бўлганлиги сабабли қадимдан ўтороқ деҳқончилик ва кўчманчи чорвадорлар маданиятларига бўлинган. Минтақа қадимги тамаддунларни бирлаштириб турувчи ҳудуда жойлашган. Унда маданияти, тили, урф-одати ва анъаналари хилма-хил халқлар кўним топди. Улар маҳаллий аҳолини ташкил этиб, бошқа мамлакатлардан

келганлар ва шаҳар аҳолисига хайрихоҳлик билан қараган. Масалан, Араб халифалиги босқини натижасида Туркистонда араблар қўним топган. Ислом дини ва маданияти қабул қилиниб, араб тилида илмий ва адабий асарлар яратилган. Маърифатли аҳоли вакиллари уч тилда: туркий, араб ва форс тилларда гаплашган.

Хулоса қилиб айтганда, сўғд тили аҳолининг асосий муомала воситаси бўлганлиги масаласи мунозарали ҳисобланади ва уни илмий ўрганиш талаб этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Narshaxiy, Abu Bakr Muhammad. Buxoro tarixi / Tarjimon A.Rasulov, nashrga tayyorlovchilar N.Maqsud, N.Asqaraliyeva. – Т.: Oydin tafakkur; Ибн ал-Асир. Ал-камил фи-т тарих / отв. ред. Шамсиддин Камолиддин. – Т.: Узбекистан, 2006.; Istaxriy. Kitob al-masalik val-mamalik, / Arab tilidan tarjima, izoh va ko'rsatkichlar muallifi R.Xudayberganov. Т.:Fan, 2019.; Абулфазл Муҳаммад ибни Хусайни Байҳақи. Таърихи Байҳақи. / Табдил, кириш ва изоҳлар муаллифи Сайфуллоҳ Мулложон. Душанбе: Бухоро, 2022.; Гумилёв Л. Н., Древние тюрки. М., 1967.; Бартольд В.В. Сочинения. Т. III. М.: Восточная литература, Наука, 1964.; Кляшторный Г. Древнетюркские рунические памятники как источник по Средней Азии – М.: Наука, 1964.; Лившиц В. А. Согдийские документы с горы Муг.; Исҳоқов М., Бобоёров Ғ., Кубатин А. Сўғд тилидаги манбалар /Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. – Т.: Фан, 2014.; Камалиддинов Ш. С. Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX-начала XIII вв. – Ташкент. – 1996.
2. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи. Дарслик. Т.1. –Т., 2014. – 82-83 б.
3. Лившиц А.В. История Согда // Электронная библиотека Музея антропологии и этнографии им. Петра Великого (Кунсткамера) РАН [http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03\\_03/978-5-55431-158-9/](http://www.kunstkamera.ru/lib/rubrikator/03/03_03/978-5-55431-158-9/), Полипчук Я.В. Переселение саков, юэджи и усуней //Иран-намэ. Научный востоковедческий журнал №3(47). 2018. – С.273.
4. Масов Р. Таджики история с грифом “Совершенно секретно”. Душанбе, 2014. – С.130.
5. Ходжайов Т.К. Термин Согд в Китайских источниках //Вопросы этногенеза и этноческой итории народов Средней Азии. Вып 1 //Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbucken:LAP, 2016. – С.181-190.
6. O'zbekistn tarixi. (Eng qadimgi davrlardan bugungi kungacha) 1 jild [Matn] /A.Asqarov [va boshq.] – Т.: Ma'naviyat, 2023. – 59-60 б.
7. Лившиц В.А. “Древнее название Сыр-Дарьи”, Вестник древней истории I. – М., 2003. – С.3-10.

8. Сюань-цзян. Записки о Западных странах [Эпохи] Великой Тан (Да Тан си юйцзи) /Введение, перевод с китайского и комментариев Н.В. Александровой. М.:Восточная литература, 2012. – С.40.
9. Бартольд В.В. Согд Сочинения. Т3. – М., 1065. – С.487-488.
10. Масов Р. Таджики в составе Туркестанской АССР. Ч.1. <https://ia-centr.ru/experts/iats-mgu/r-masov-tadzhiki-v-sostave-turkestantskoy-assr-ch-1/#>
11. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – М.: Восточная литература РАН, 2003. – С.255.
12. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современный миф о далёком прошлом народов Центральной Азии. – Т., Чўлпон. 2007. – С16.
13. Бартольд В.В. Таджики. Исторический очерк. Соч.Т.2. часть 1. – М., 1963. – С.455-456.
14. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Т., Ўзбекистон. 2015. – 13 б.
15. Ўша манба: – 15-16 б.
16. Малов Е.С. Древние и новые тюркские языки //Известия Академии наук СССР. Отделение литературы и языка. Т.11.вып.2. – М., 1952. – С.136.
17. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – 16 б.